

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.04.01. РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АСРОР БАХТИЁР ЎҒЛИ

**ИККИЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ АЛКОГОЛИЗ
МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ ПОЛИМЕРЛАРНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the dissertation abstract of doctor of science (Doctor of Science) on
technical science

Жураев Асрор Бахтиёр ўғли

Иккиламчи полиэтилентерефталат

алкоголиз маҳсулотлари асосида

янги полимерларни яратиш..... 3

Жураев Асрор Бахтиёр ўғли

Создание новых полимеров на основе

продуктов алкоголиза

вторичного полиэтилентерефталата.....29

Juraev Asror

Creation of new polymers on the basis

of alcoholysis products

of secondary polyethyleneterephthalate.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЖУРАЕВ АСРОР БАХТИЁР ЎҒЛИ

**ИККИЛАМЧИ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТ АЛКОГОЛИЗ
МАҲСУЛОТЛАРИ АСОСИДА ЯНГИ ПОЛИМЕРЛАРНИ ЯРАТИШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги
материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2017.1.DSc/T2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайфутдинов Рамзиддин Сайфутдинович
техника фанлари доктори, профессор

Икрамов Абдувахоб
техника фанлари доктори, профессор

Мухамедиев Мухтар Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат техника Университети, «Фан ва тараққиёт» ДУК

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.04.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги №___ рақамли реестр баённомаси).

С.М. Туробжонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

А.С. Ибодуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор

Г. Рахмонбердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д. профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда полиэтилентерефталат полимерини ишлаб чиқариш 37,5 млн. тоннадан 70,0 млн. тоннагача ортди. Полиэтилентерефталатнинг 30%, яъни 21,5 млн. тоннаси полимер қадоклар – бутилкалар ишлаб чиқаришда қўлланилади. Ушбу миқдордаги полимер буюмлари фойдаланилгандан сўнг шунча миқдорда полимер чиқиндиларини ҳосил бўлади. Бу борада уларни фойдали хом-ашёга айлантириш, қайта ишлаш усулларини яратишга илмий тадқиқот ишлари йўналтирилган¹.

Республикамиз мустақилликка эришгандан буён маҳаллий хом ашёлар ва полимер чиқиндиларини қайта ишлаб республикамизга керакли бўлган янги материалларни олиш, улар асосида турли шароитларда қўлланиладиган рақобатбардош янги буюмларни, тўйинмаган полиэфир ишлаб чиқариш технологияларини яратиш борасида кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилди. Бу борада саноат чиқиндиларини тўйинмаган полиэфирлар олиш ва улар асосида полимер композицион материаллар тайёрлаш технологияларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Бугунги кунда жaxon миқёсида полимер ва пластмасса чиқиндиларидан қайта ишлаб янги самарали, композицион полимер материаллар ва улар асосида буюмлар олиш устида бир қатор илмий ишлар олиб борилмоқда: полимер чиқиндилари майдалаб полимер-полимер компаундларни яратиш; фаол тўлдиргичлар билан модификациялаш технологиясини ишлаб чиқиш; поликонденсацион полимер чиқиндиларини кимёвий қайта ишлашнинг оптимал шароитлари, механизм ва қонуниятларини ишлаб чиқиш, поликонденсацион полимер чиқиндиларидан турли хоссали гидроксил сақловчи полиэфирполиоллар ҳосил бўлиш шароитлари ва улар асосида композицион материаллар ишлаб чиқариш технологиясини яратиш каби долзарб йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ-1072-сон «2009-2014 йилларда Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги, 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сон «2011-2015 йилларга Ўзбекистон Республикасининг саноатини ривожлантириш устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2017 йил 6 апрелдаги Ф-4891 сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш», 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2915-сон «Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши, реализациясини назорат қилиш инспекцияси фаолиятининг ҳуқуқий асослари» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни

¹ www.ey.com/ru/ru/idustries/oil; arpet.ru.

амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи².

Иккиламчи полиэтилентерефталатани физик-механик ва кимёвий қайта ишлаш усуллари бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of South Florida (USA), University of California (USA), Technical University of Szczecin and Polymer Institute (Poland), Франкфурта на-Майне Университети (Германия), National Institute of Research and Department for Electrochemistry and Condensed Matter (Romania), Киото технология институти (Япония), Shanghai University (China), Korea Institute of Geoscience and Mineral Resources and Department of Chemical Engineering, Yonsei University (J. Korea), SSBT's College of Engineering and Technology (India), Л.Я. Карпов номи илмий тадқиқот институти, Россия кимё технология университети; Қозон давлат технологик университети; Кабардин-балқор давлат университети (Россия), Хмельницкий миллий университетларда (Украина), Тошкент кимё-технология институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Иккиламчи полиэтилентерефталатани физик-механик ва кимёвий қайта ишлаш усуллари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қўйидаги илмий натижалар олинган: иккиламчи полиэтилентерефталатни реакцион модификациялаш шароитлари аниқланган (ОАЖ «Пластмасса институти», Москва); кимёвий модификациялаб мустаҳкамли хоссалари яхши бўлган полиэтилентерефталат композициялар яратилган (Юқори молекулали бирикмалар кимёси институти, Москва); иккиламчи полиэтилентерефталат аминотизлаб қўпиртирилган материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган (Amirkabir University of Technology, Эрон); иккиламчи полиэтилентерефталатни турли спиртларда алкоғолизлаш шароитлари аниқланган (University of South Florida, АҚШ), иккиламчи полиэтилентерефталат алкоғолиз маҳсулотлари асосида умум мақсадли тўйинмаган полиэфирлар синтез шароитлари ишлаб чиқилган (Yonsei University, J. Korea).

Дунёда иккиламчи полиэтилентерефталатни кимёвий қайта ишлаб, айниқса алкоғолизлаш орқали умумий мақсадли тўйинмаган полиэфирлар олиш, уларни физик-кимёвий, технологик хоссаларини аниқлаш бўйича бир қатор, жумладан қўйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.arpet.ru/material/>; <https://www.infomine.ru/>; <https://www.mkgtu.ru/does/>; <https://scholarsresearchlibrary.com/archive.html>; <https://www.sciencedirect.com/>; <https://www.dx.doi.org/>; <https://www.ajabs.org/> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

борилмоқда: иккиламчи полиэтилен-терефталатни спиртлар билан алкоғолизлаш; этиленгликол билан алкоғолизлаб бисгидроксиэтилен-терефталатнинг ҳосил бўлишига спиртнинг миқдори ва катализаторларнинг таъсири; олинган тўйинмаган полиэфирлар синтези ва структураси; тўйинмаган полиэфир асосида янги наноконпозициялар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иккиламчи полиэтилен-терефталатни кимёвий қайта ишлаш, айниқса улар асосида янги турдаги полимерлар олиш бўйича Y.W.Awodi, S.Achilias Dimitris, K.Nikolaidis Alexandros, R.H.Peters, M.A. Красильников, A.B. Стародубцев, Осиё давлатлари R.K. Soni, Sadeghi Gity Mir Mohamad, A.S. Goje, Wakabayashi Natsumi, Kojima Tomohary, A.B.Raheem, Adina Cata, Marinela Miclau, I.Ristic, S.Cakis, Bin Xiao, Li Ping Wang Sosuke Yosida, I.Duque-Inqunza, O.B. Студенець, И.А. Мандзюк, Г.М. Цейтлин, А.К. Микитаев, С.Е. Артёменко, С.В. Порфирьева, Kicho-Walcrak-Ewa, U.R. Vaidya, V.M. Nadkarni, V. Pimpan Younghee Lee, Eunyong Kim, Jinkyung Kim, Dookyo Jeong, Sunain Katoch, Mousa Ghaemy, K. Tahvildari, B.H. Дума, M.A.Асқаров, С.Р.Рашидова, С.С.Негматов, Т.Р.Абдурашидов, А.Т. Джалилов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Иккиламчи полиэтилен-терефталатни турли амин сакловчи бирикмалар билан аминолизлаб кўпиртирилган материаллар олиш технологиялари яратилган бўлиб, бунда ишлатиладиган бирикмаларнинг жараёнга таъсири аниқланган. Кўп функционалли спиртлар билан қисман алкоғолиз жараёнлари ўрганилган ва ҳосил бўлган маҳсулотларни кўпиртирилган материаллар олишда қўллаш имконияти кўрсатилган. Алкоғолиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирни олиниши ўрганилган бўлиб, ҳосил бўлган полиэфир хоссаларига иккиламчи ва бирламчи полиэфирнинг миқдори таъсири аниқланган. Турли спиртларни улар асосида олинган тўйинмаган полиэфирларга таъсири аниқланган. Спиртлар аралашмаси асосида олинган тўйинмаган полиэфирларни композицион материалларга яроқлилиги текширилган.

Шу билан бирга иккиламчи полиэтилен-терефталатни алкоғолизлаб, улар асосида умум ва махсус мақсадли тўйинмаган полиэфир катронларини олиш куйидаги босқичларни ўз ичига олади: иккиламчи полиэтилен-терефталат диэтиленгликол билан алкоғолизлаш шароити ва механизмини ўрганиш; алкоғолизлаш жараёнини олдиндан бошқариш мақсадида жараённи математик моделини тузиш ва аниқлаш; тўйинмаган полиэфирларнинг физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларига алкоғолиз маҳсулотларининг табиати, таркибининг таъсирини ўрганиш; оптимал қотиш шароитларини аниқлаш; яратилган полиэфирларнинг қўллаш соҳаларини кенгайтириш мақсадида махсус хоссали тўйинмаган полиэфирлар технологияси ишлаб чиқиш. Шундай қилиб, иккиламчи полиэтилен-терефталат асосида композицион ва шиша пластик қувурлар олиш талабларига жавоб берадиган арзон, тақчил бўлмаган тўйинмаган полиэфирлар яратиш ечимини кутаётган долзарб муаммо бўлиб, сўзсиз катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ф-7-11 «Юқори молекула массали терморреактив олигомерлар яратишнинг назарий асослари» (2012-2016 йй.) «Тўйинмаган полиэфир смолалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2013 йй.) ва ИОТ-2016-7-1 «Полиэтилентерефталат сакловчи маиший чиқиндиларнинг алкоголиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирлар ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иккиламчи полиэтилентерефталатни алкоголизлаш шароитини аниқлаш ва улар асосида тўйинмаган полиэфирларнинг махсус маркаларини олиш технологияларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иккиламчи полиэтилентерефталатни алкоголизлаш қонуниятларини яратиш, маҳсулотларининг физик-кимёвий хоссалари ва таркибини аниқлаш;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголизи маҳсулотларининг тузилишини аниқлаш;

яратилган турли алкоголиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирларнинг умум мақсадли ва махсус маркаларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини ўрганиш;

тўйинмаган полиэфирларнинг тўрсимон ҳолатга ўтиш ва уларни хоссаларини аниқлаш;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголизи маҳсулотлари асосида умумий ва махсус хоссага эга бўлган тўйинмаган полиэфирларнинг ҳосил бўлиши технологиясини яратиш;

тўйинмаган полиэфирлар асосида композицион ва шишапластик қувурлар олиш технологияларини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти иккиламчи полиэтилентерефталат, иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотлари, тўйинмаган полиэфирлар, полимер-композицион ва шишапластик қувурлар.

Тадқиқотнинг предмети: иккиламчи полиэтилентерефталатнинг алкоголизлаш, тўйинмаган полиэфир синтез қилиш, композицион ва шишапластик қувурлар олиш технологияси.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида кимёвий, термокимёвий, термомеханик, ИҚ- ва ПМР-спектроскопик усуллар, ҳамда математик моделлаштириш услубларидан, бундан ташқари физик-механик ва технологик хоссаларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

алкоголиз маҳсулотларининг таркиби, структураси, функционаллиги ва молекуляр массаси иккиламчи полиэтилентерефталат:гликоль моляр нисбати билан белгиланиши ўрганилиб, иккиламчи полиэтилентерефталатнинг гликоллаш билан алкоголизлаш жараёни аниқланган;

турли факторларнинг (алкоголизлашнинг ҳарорати, давомийлиги, мономерлар нисбати) якуний маҳсулот хоссаларига таъсирини аниқлаш натижасида иккиламчи полиэтилентерефталатнинг диэтиленгликол билан алкоголиз жараёнининг реакцион муҳитда қўйи ва юқори молекуляр массали маҳсулотларнинг мавжудлиги холи учун математик модел яратилган;

турли функционалли алкоголиз маҳсулотлари асосида бир қатор тўйинмаган полиэфир олинган ва улар ҳисобига тўйинмаган полиэфирлар структурасида ароматик гуруҳларнинг ортириб, уларнинг механик хусусиятлари ошгани исботланган;

маллеин ангидридининг аввалига алкоголиз маҳсулоти таркибидаги бўш дигликоллар билан, сўнгра гидроксил сақловчи полиэфирполиоллар билан таъсирланиши аниқланганидан келиб чиққан ҳолда тўйинмаган полиэфирлар ҳосил бўлишининг жараёни ишлаб чиқилган;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирларнинг ПН-МА-02, ПН-МА-03, ПН-МА-03А каби янги маркаларини олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси:

умумий ва махсус мақсадли тўйинмаган полиэфир ишлаб чиқариш учун арзон, кам тақчил хом-ашё тури – иккиламчи полиэтилентерефталат таклиф қилинди;

ПН-МА-02, ПН-МА-03 ва ПН-МА-03А маркали тўйинмаган полиэфир маркаларини олиш технологиялари яратилди;

ПН-МА-02, ПН-МА-03 и ПН-МА-03А маркали тўйинмаган полиэфирларни полимер-композицион ва шишапластик қувурлар ишлаб чиқаришда боғловчи сифатида импорт қилинаётган хом-ашё ўрнига қўлланилиши кўрсатилди;

тажриба синов натижалари шуни кўрсатди-ки, тадқиқот натижаларини қўллаш ҳар 1000 тонна тўйинмаган полиэфир учун 134587000 сўмни ташкил қилиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тахлилда замонавий физик-кимёвий тадқиқот услублари ва тўйинмаган полиэфирлар олиш технологияларини саноат шароитида чиқариш, уларни композицион ва шишапластик трубалар ишлаб чиқаришда тадбиқ қилиш билан асослангандир.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулоти таркиб ва тузилишини бошқариш, олдиндан белгиланган хоссали тўйинмаган полиэфир олиш ва улар асосида тўйинмаган полиэфирлар ишлаб чиқариш илмий асослари яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулоти ва улар асосида тўйинмаган полиэфир ишлаб чиқариш, ҳамда композицион ва шишапластик қувурлар олиш янги технологияларини яратилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотларини қайта ишлаш асосида:

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотини поликонденсациялаш асосида тўйинмаган полиэфирларни олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04103, 2010). Илмий тадқиқот натижасида яратилган усул полимер композицион материаллар олишга имкон беради;

иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголиз маҳсулотини қисман қўллаш орқали қоғоз композициясини олишга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04622, 2012). Илмий тадқиқот натижасида алкоголиз маҳсулоти қоғознинг мустаҳкамлигини ошириш имконини беради;

ишлаб чиқарилган тўйинмаган полиэфирларга корхона стандарти (KSt 64-05755737-164:2017) ишлаб чиқилган ва АЖ «Uzkabel» қўшма корхонаси томонидан тасдиқланган. Корхона стандарти импорт ҳисобига четдан кириб келаётган полиэфир смолалари ўрнига иккиламчи полиэтилентерефталат асосида олинган полиэфирни ишлатиш имконини беради;

ишлаб чиқарилган ПН-МА-03, ПН-МА-03, ПН-МА-03А маркали тўйинмаган полиэфирлар композицион ва шипапластик кувурлар ишлаб чиқарилишида татбиқ қилинган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 30 январдаги 04-136-сон маълумотномаси). Натижада корхонада четдан импорт эвазига олиб келинаётган тўйинмаган полиэфир қатронини ишлаб чиқарилган қатрон билан алмаштиришга эришилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида халқаро ва республика илмий-техник анжуманларда, жумладан «Фан, таълим, ишлаб чиқиш экологик муаммоларини ечиш» номли 3-халқаро илмий-техник анжуманда (Уфа шаҳри, 2006 й.); Санкт-Петербургда ўтказилган «Полимерларни замонавий мауммолари» номли ёш олимлар анжуманида (Санкт-Петербург, 2007 й.); Кимёвий технология бўйича академик Н.М.Жаворонковнинг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда (Москва, 2007 й.); кимё-технология бўйича Марказий Осиё минтақаси бўйича ўтказилган Халқаро анжуманда (Москва, 2012 й.); «21 асрда фан ва таълим алоқаларини такомиллаштириш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро илмий-техник анжуманда (Шимкент, 2006 й.); акад. С.Юнусовга бағишланган илмий-амалий семинарда (Тошкент, 2004 й.); «Полимерлар кимёси ва физикасининг долзарб муаммолари» илмий-амалий анжуманда (Тошкент, 2006 й.); «Нефт-газ соҳасида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг долзарб муаммолари» номли Республика илмий-амалий анжуманда (Тошкент, 2006 й.); «Маҳаллий хом-ашё ва маҳсулотлар замонавий технологиялари» илмий-техник анжуманда (Тошкент, 2007 й.); «Яшил кимё мустаҳкам ривожланиш истиқболи» 1-Республика анжумани (Самарқанд, 2012 й.); «Нефтни қайта ишлаш, нефт кимёси ва экологияда каталитик жараёнлар» Халқаро анжуманда (Тошкент, 2013 й.); «Иқтисодиёт тармоқлари инновацион ривожланишида полимерлар бўйича фан ва

таълимнинг роли» Республика анжуманида (Тошкент, 2015 й.); «Кимё-технология ва озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришда инновацион ғоялар» Республика техник анжуманда (Наманган, 2016 й.); «Композицион ва наноконпозицион материалларни ривожланиш истикболлари» илмий-техник анжуманда (Тошкент, 2016 й.); «Кимё, нефт кимёси ва озиқ-овқат саноатида инновацион технологияларни долзарб муаммолари» Республика анжуманида (Тошкент, 2016 й.); Институт микёсида ҳар йили ўтказиладиган профессор-ўқитувчилар илмий анжуманларида (2004, 2005, 2006, 2007, 2012, 2013, 2014, 2015, 2016, 2017 й.й.) апробациядан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан 2 таси патент, 9 та Республика ва 6 та чет эл журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 194 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқот долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Полиэтилентерефталат (маиший) чиқиндиларини замонавий қайта ишлаш ҳолатлари»** деб номланган **биринчи бобида** адабий шарҳдан иборат бўлиб, бунда ҳозирда дунёда иккиламчи полиэтилентерефталатни (ИПЭТ) қўлланилишининг замонавий аҳволи ва истикболлари келтирилган. ИПЭТнинг физик-механик, кимёвий қайта ишлашнинг усуллари батафсил тахлили келтирилган.

Адабий шарҳ тахлили кўрсатдики, поликонденсация полимерларининг кўп турларини ишлаб чиқариш мавжуд давлатларда ИПЭТни физик-механик қайта ишлаш усули бир мунча истикболли ҳисобланади. ИПЭТни кимёвий қайта ишлаш бўйича адабиётларнинг танқидий тахлили шуни кўрсатдики, ИПЭТ қўллашнинг энг истикболли йўналишларидан бири алкоголиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирлар ишлаб чиқаришдир. Бу тадқиқотларимизнинг мақсад ва вазифаларини аниқлаб олишда асос бўлди.

Диссертациянинг **«Иккиламчи полиэтилентерефталат алкоголизлаш қонуниятлари»** деб номланган **иккинчи боби** ИПЭТ алкоголиз қонуниятларини ўрганишга, тўйинмаган полиэфирлар, улар

асосида шишапластик ва композицион қувурлар олишга қаратилган.

ИПЭТ алкоголиз жараёни турли табиатли ва функционалли спиртлар иштирокида, катализатор таъсирида боради. Бунда реакция йўналишига ва якуний маҳсулот ҳоссаларига кўпгина омиллар таъсир кўрсатади.

Биз томондан илк бор ИПЭТни диэтиленгликол (ДЭГ) билан алкоголиз жараёнининг ажралаётган этиленгликол (ЭГ) ва алкоголиз учун олинган ортиқча ДЭГларни реакцион массада мавжудлик ҳолати учун математик модели яратилди. Алкоголиз маҳсулотини физик-кимёвий ҳоссаларига таъсир қилувчи технологик факторлар сифатида қуйидагилар танланди: жараён давомийлиги, бошланғич маҳсулотлар нисбати, алкоголиз ҳарорати. Якуний алкоголиз маҳсулоти кўрсаткичлари сифатида эса гидроксил, кислота, эфир сонлари ва молекуляр масса қабул қилинди.

Тўлиқ факторли тадқиқот ёрдамида жараён шаклланишида 4 жавоб юзали функциясининг математик кўриниши топилди. Бунда y_1 – гидроксил сони (N_{OH}), y_2 – эфир сони (N_E), y_3 – кислота сони (N_H), y_4 – ўртача сонли молекуляр масса (M_{cp}) лар 1-жадвалда келтирилган шароитлар асосида (1) тенглама кўринишига келтирилди. Ўрганилаётган объектнинг математик моделлаш ТФЭ-2³ тадқиқот режаси усулига кўра олиб борилди.

Бошида тажриба натижаларининг қайтарувчанлиги баҳоланди. Шу мақсадда уч маротаба параллел тажрибалар ўтказилди, натижалар ижобий бўлди. Ундан сўнг ТФЭ-2³ тажриба режаси матричасини туздик.

1-Жадвал

Тажриба ўтказиш шароити

| Кўрсаткичлар | Таббий ва кодланган ҳолда белгилаш | Ўлчов бирлиги | Ўзгартириш даражаси | | | Ўзгариш хади |
|---|------------------------------------|---------------|---------------------|--------|-------|--------------|
| | | | Пастки | Асосий | Юқори | |
| ИПЭТни бир элементар занжирига нисбатан ДЭГ миқдори | m | моль | 0,7 | 2,35 | 4 | 1,65 |
| | x_1 | - | -1 | 0 | +1 | 1 |
| Алкоголиз давомийлиги | ф | соат | 3 | 9 | 15 | 6 |
| | x_2 | - | -1 | 0 | +1 | 1 |
| Алкоголиз ҳарорати | t | °C | 180 | 200 | 220 | 20 |
| | x_3 | - | -1 | 0 | +1 | 1 |

Тажрибани режалаштириш матричаси асосида регрессия коэффицентлари ҳисобланди.

Изланган математик моделлар (1) тенгламалар кўринишини олди:

$$\begin{aligned}
 y_1 &= 13,89 + 6,24x_1 + 0,64x_2 + 0,71x_3 \\
 y_2 &= 278,5 - 101,75x_1 - 30,5x_3 + 27,75x_{13} \\
 y_3 &= 4,51 + 1,36x_1 + 0,39x_3 \\
 y_4 &= 357,38 - 70,38x_1 - 55,13x_2 - 59,13x_3
 \end{aligned}
 \tag{1}$$

Сўнгра тажриба хатолиги ҳисобланди ва Стъудент мезони бўйича регрессия коэффицентларининг аҳамиятлилиги аниқланди. Бунда тажрибалар сони $N=8$ ва параллел тажрибалар сони $k=3$ га тенг.

Коэффициентларнинг аҳамиятлиги аниқлангандан сўнг дисперсиянинг адекватлиги (айнан бир ҳил) ҳисобланди. Фишер мезонини аниқлаш мақсадида қайтарилиш дисперсияси ҳисобланди.

Фишер мезонини (F) критик қийматини топиш учун Excel даги (=FРАСПОБР (маънолик даражаси; $f_{1ад}$; $f_{2а}$)) формуласидан фойдаландик. Ушбу катталикни ҳисоблашда ишончлилик даражаси $q=0,05$ ва коэффициентларни $f_{1ад} = N-B$ и $f_{2ад} = k-1 = 2$ деб оламиз.

2-Жадвал

Математик моделни адекватлигини ҳисоблаш натижалари

| Адекватлик ҳисоблаш параметрлари | У ₁ | У ₂ | У ₃ | У ₄ |
|--|----------------|----------------|----------------|----------------|
| Дисперсия адекватлиги (S^2_i) | -0,748 | 977,25 | 0,026 | 1366 |
| Такрорланиш дисперсияси ($S^2_{так i}$) | 0,0864 | 85,174 | 0,0262 | 80,838 |
| Фишер критериясининг ҳисобланган қиймати (F_p) | -8,654 | 11,474 | 0,991 | 16,898 |
| Фишер критериясининг критик қиймати (F) | 19,247 | 19,247 | 19,296 | 19,247 |

$F_p < F$ шартнинг бажарилиши, математик модел ИПЭТни ДЭГ билан алкоголизлаш жараёнини адекват ифодаланишини билдиради.

Алкоголизлаш жараёнининг математик моделининг аниқлигини ва натижаларини ИПЭТ ва ДЭГдан иборат реал системада қайтарилувчанлигини баҳолаш учун экспериментлар серияси ўтказилди. Шу билан бирга алкоголиз маҳсулотларининг физик-кимёвий хоссаларига алкоголизлаш ҳароратининг, ИПЭТ:ДЭГ нисбатининг, реакциянинг давомийлигининг таъсирини аниқлаш мақсадида тажрибалар серияси ўтказилди. Олинган экспериментал натижалар математик модель асосида ҳисоблаб топилган қийматлар билан солиштирилди.

ИПЭТни ДЭГ билан алкоголизлаш жараёни 180°C дан бошланади. Ҳарорат 180°C дан 200°C гача кўтарилганда (ИПЭТ:ДЭГ=1:0.72 эл.занжир моль/моль, давомийлиги – 180 мин) гидроксил гуруҳлар концентрациясини 6,5 дан 7,8% гача, кислота сонини 3,0 дан 3,3 мгКОН/г гача ортиши, эфир сонини 440 дан 381 мгКОН/г гача, ўртача молекуляр масса қийматини 550 дан 450 гача камайиши содир бўлди. Реакцион масса ҳароратини 220 ва 240°C га кўтарилиши гидроксил гуруҳларининг концентрациясини 8,9% гача, кислота сонини 4,3 мгКОН/г гача ортишига, эфир сонини 272 мгКОН/г, ўртача сон молекуляр массани 362 гача камайишига олиб келади. Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатдики, ҳароратни кўтарилиши билан деструкция жараёнларининг чуқурлашиши содир бўлади. Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳароратни 220°C дан оширилиши алкоголиз маҳсулотлари физик-кимёвий хоссаларини сезиларли ўзгаришига олиб келмади. Шунинг учун кейинги тадқиқотларимиз 220°C ҳароратда олиб борилди.

ИПЭТ алкоголиз маҳсулотларининг (ИПЭТАМ) физик-кимёвий хоссаларига таъсир қилувчи асосий параметрлардан бири алкоголиз учун

олинган деструкцияловчи агент – ДЭГ микдоридир.

ИПЭТни қисман ва тўлиқ алкоголизлаш учун ИПЭТнинг ҳар бир моль эл.занжирига тўғри келувчи ДЭГ концентрациясини $0,72 \div 4,0$ моль оралиғида ўзгарттирдик.

ДЭГ микдорини юқорида келтирилган ораликда ўзгартирилганда гидроксил гуруҳлар концентрацияси 8,7% дан 20,8% гача, кислота сони 3,6 дан 6,1 мгКОН/г гача ортиши, эфир сони 348 дан 170 мгКОН/г гача, суюқланиш ҳарорати 232 дан то суюқ ҳолатгача, ўртача сон молекуляр масса 394 дан 254 гача камайиши кузатилди.

Эътиборли фактлардан бири шундаки, алкоголиз давомийлиги 900 мин. гача ортганда, тажрибаларнинг хатолик чегарасида, реакцион массадаги гидроксил гуруҳларнинг концентрацияси ўзгармади. Масалан, ИПЭТ:ДЭГ=1:0,72 эл.занжир моль/моль нисбат учун тизимдаги гидроксил гуруҳлар микдори 8,7-9,2% оралиғида қолади.

ДЭГнинг микдори 1,8 молга ИПЭТнинг 1 моль эл.занжирига нисбатан ортиши билан гидроксил гуруҳларининг ўзгариш қонуниятларида ўзгариш кузатилмади, фақат тизимдаги гидроксил гуруҳлар концентрацияси 14,5 дан 14,9% га ортди. ДЭГ:ИПЭТ моль нисбатини 4:1 га моль/моль эл.занжирга ортиши гидроксил гуруҳлар микдорини 21,0-21,2% гача кўтарилишига олиб келди.

Алкоголиз бу деструктив жараёнدير. Шу сабабли реакция маҳсулотлари паст молекулали олигомерлардан иборат. Шунинг учун ДЭГ микдорини ИПЭТнинг 1 моль эл.занжирига нисбатан 0,72 дан 4,0 молга ортиши билан, ўртача сон молекуляр масса 434 дан 310 гача (ДЭГни микдори 0,7 моль бўлганда) ва 300 дан 170 гача (ДЭГ ни микдори 4 моль) камайганлиги кузатилади.

Шуниси эътиборлики, ДЭГнинг микдори, ИПЭТнинг тўла парачаланишга етарли бўлганда ўртача сон молекуляр масса (M_n) камайиши маълум бир қийматдан сўнг ўзгармай қолди. Бу шундан далолат берадики, алкоголиз мумкин бўлган энг кичик тизим, яъни бис(2-гидроксиэтокси)терефталат ҳосил бўлиши билан тамом бўлади.

Келтирилган маълумотлар шундан далолат берадики, жараён давомийлигининг ўзгариши билан деструкцияловчи агентнинг турли микдорларида алкоголизнинг умумий қонуниятлари ўзгармаяпти. Умумийлик шундаки, оз микдорда диол қўшилишининг ўзи, алкоголиз маҳсулотларининг молекуляр массасини, суюқланиш ҳароратини кескин камайишига олиб келган ҳолда тизим ҳоссаларининг ўзгаришида чегаравий қийматлар мавжудлигидир.


Олиб борилган ҳисоблар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, математик модел ва экспериментлар натижасида олинган қийматлар ўртасидаги фарқ 5% ошмайди (3-Жадвал). 3-Жадвалда келтирилган натижалар олинган моделни амалий мослигини тасдиқлайди.

Ўрганилаётган моделнинг ҳоссаларини олдиндан айтиш жадвали


| Параметрлар | Белгиланиши | Тажриба натижалари | | | | | | | |
|-------------------------------------|-------------|--------------------|------|------|------|------|------|------|------|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| Чиқиш омилларини таббий белги | z_1 | 0,7 | 2 | 3 | 0,7 | 0,7 | 4,0 | 3,5 | 0,7 |
| | z_2 | 3 | 6 | 6 | 3 | 10 | 10 | 6 | 3 |
| | z_3 | 190 | 220 | 220 | 210 | 220 | 220 | 220 | 200 |
| Математик модел бўйича кўрсаткичи | y_1 | 7,5 | 13,9 | 17,7 | 8,3 | 9,2 | 21,6 | 19,6 | 7,9 |
| | y_2 | 409 | 264 | 219 | 351 | 321 | 173 | 196 | 380 |
| | y_3 | 3 | 4,71 | 5,5 | 3,44 | 3,6 | 6,35 | 5,94 | 3,2 |
| | y_4 | 512 | 340 | 297 | 453 | 359 | 218 | 276 | 482 |
| Лаборатория тадқиқотлари натижалари | y_1 | 7,8 | 14,6 | 18,3 | 8,4 | 8,8 | 20,9 | 19,8 | 8,1 |
| | y_2 | 410 | 252 | 209 | 362 | 328 | 172 | 192 | 382 |
| | y_3 | 3,1 | 4,85 | 5,4 | 3,6 | 3,7 | 6,65 | 5,8 | 3,35 |
| | y_4 | 505 | 326 | 286 | 447 | 358 | 212 | 270 | 476 |
| Чеклани, % | y_1 | -4 | -5 | -3,4 | -1,2 | 4,3 | 3,2 | -1 | -2,5 |
| | y_2 | -0,2 | 4,5 | 4,6 | -3,1 | -2,2 | 0,6 | 2 | -0,5 |
| | y_3 | -3,3 | -3 | 1,8 | -4,7 | -2,8 | -4,7 | 2,4 | -4,7 |
| | y_4 | 1,4 | 4,1 | 3,7 | 1,3 | 0,3 | 2,8 | 2,2 | 1,2 |

(1) тенгламалар асосида куб-сплайн кўринишидаги чиқиш сиртининг изопараметрик диаграммаси қурилди (расм. 1).


а)




б)



в)



г)



Расм. 1. Иккиламчи полиэтилентерфталатнинг диэтиленгликол билан алкоголиз маҳсулотларининг гидроксил сони (а), эфир сони (б), кислота сони (в) ва молекуляр масса (г) чиқиш сиртининг изопараметрик диаграммаси.

Шу билан бир қаторда бизнинг тадқиқотларимиз натижасига кўра алкоголиз натижасида ҳосил бўлган гидроксилсақловчи полиэфирполиолларнинг таркиби, тузилиши ва бинобарин хоссалари алкоголизлашни олиб бориш шароитига боғлиқ.

Шу сабабли ИПЭТАМнинг таркиби ва тузилишини фракциялаш, ҳамда паст молекулали гликолларни вакуум остида ҳайдаш йўли билан ўрганилди. Алкоголиз жараёнида ҳосил бўлган гидроксилсақловчи полиэфирполиолларнинг тизимини ўрганиш учун паст молекулали диоллар ва олигомерлар ИПЭТАМ:сув=1:2.5 мас.к/мас.к. нисбатида олинган ҳарорати $90\pm 2^\circ\text{C}$ бўлган қайноқ сув билан ювиб ажратиб олинди. Алкоголиз маҳсулотларининг эриган қисми иссиқ ҳолда эрмаган қисмидан филтрлаб ажратилди. Эрмаган қисми $60-65^\circ\text{C}$ ҳароратда абсолют қуруқ ҳолигача вакуум остида қуритилди.

Бунда алкоголизлаш давомийлиги 120 дан 900 минутгача ортганда ювилган алкоголиз маҳсулотларида гидроксил гуруҳлар миқдори 8,0% гача ортди, кислота сони 1,4 мгКОН/г гача, эфир сони 370 мгКОН/г гача, суюқланиш ҳарорати 103°C гача ва молекуляр масса 545 гача камайди.

Алкоголизлаш учун олинган ДЭГнинг миқдори ортиши билан сувда эрувчан фракцияларнинг миқдорининг ортиши кузатилди. Масалан, ИПЭТ:ДЭГ нисбати 1:0,72, 1:1,8, 1:4 моль эл.занжир/молга ўзгарганда қайноқ сувда эрмаган фракция миқдори 93,96% дан 1,57% гача камаяди. Бу шуни кўрсатадики, қайноқ сув билан ювиш жараёнида асосан ИПЭТ таркибидаги қуйи молекуляр бирикмалар ювилиб чиқаяпти. Шунинг учун алкоголизлаш жараёнида ҳосил бўлаётган гидроксилсақловчи полиэфирполиолларнинг таркиби ва структурасини тўла ўрганиш учун уларни таркибидаги қуйи ҳароратда қайновчи гликолларни вакуумда (80-40 мм.сим.уст.) $110-145^\circ\text{C}$ оралиғида ҳайдаб олинди.


Бунда ИПЭТ:ДЭГ=1:0,7 моль эл.звено/моль нисбатда олинган алкоголиз маҳсулотларида қуйи молекуляр ҳайдалувчан бирикмалар миқдори кам бўлгани учун 1,0:1,8 ва 1,0:4,0 нисбатларда олинган алкоголиз маҳсулотлари ўрганилди. Бунда алкоголиз учун олинган ДЭГ миқдори ИПЭТнинг 1 моль эл.занжирига нисбатан 1,8 дан 4,0 молгача ортганда ҳайдалмайдиган қолдиқ миқдори 77,0 дан 52,8% гача камаяди. Мос равишда ҳайдашдан кейин қолган олигомерларнинг молекуляр массаси 375 дан 310 гача камайиб, улардаги гидроксил гуруҳлар концентрацияси 9,3 дан 10,3% гача ортди. Ҳайдашдан кейин қолган маҳсулотларнинг агрегат ҳолати енгил суюқланадиган бирикмалардан (алкоголизлаш вақти 8 соатгача) суюқ моддалар ҳолигача ўзгарди (алкоголизлаш вақти 8 соатдан юқори).

Алкоголизлаш давомийлигини узайиши билан ҳосил бўлган макромолекула бўлақларида гидроксил гуруҳлар концентрациясининг ортиши кузатилади. Бу ўз навбатида тадқиқ қилинган шароитларда молекуляр масса ортишига олиб келувчи поликонденсация реакциясини истисно қилишга имкон беради.

Юқорида келтирилган экспериментал натижалар асосида, ИПЭТ:ДЭГ=1:1 моль эл.занжир/ моль қиймати 1 дан катта бўлганда (ДЭГ


миқдори стехиометриктан кам) алкоголиз маҳсулотлари асосан нисбатан юқори молекуляр массали полиэфирполиоллар ва бу нисбат 1 дан кичик бўлганда (ДЭГ миқдори стехиометриктан катта) куйи массали полиэфирполиоллар, этиленгликол, диэтиленгликоллар аралашмасидан иборат бўлади деган хулосага келиш мумкин.

Демак ИПЭТ алкоголиз маҳсулотлари куйидаги структурага эга бўлган бирикмалардан иборат бўлади деб тахмин қилиш мумкин:



Бу ерда n- ИПЭТ:ДЭГ нисбатига боғлиқ ва ДЭГни миқдори камайиши билан унинг қиймати ортади.

Бундан ташқари алкоголиз маҳсулоти таркибида эркин этиленгликол ва диэтиленгликолларнинг нисбати ўзгарувчандир. Алкоголиз учун олинган ДЭГ миқдорининг ортиши билан якуний аралашмада ЭГ миқдори камаяди. Алкоголизлашнинг якуний маҳсулоти куйидаги тузилишидаги



бис(2-гидроксиэтокси)терефталатдир (БГЭТФ).

Келтирилган ИПЭТнинг алкоголиз механизми ва ҳосил бўлган бирикмаларнинг структурасини тўғрилиги ИҚ-ва ПМР-спектроскопия усуллари билан тадқиқот қилиш натижасида ўз тасдиғини топди.

Ювиб тозаланмаган ИПЭТ:ДЭГларни нисбати 1:0,72 моль эл.занжир/моль олингандаги алкоголиз маҳсулотининг ИҚ спектрларида 3419cm^{-1} да гидроксил гуруҳларнинг, 2967cm^{-1} да метилен гуруҳларнинг, $1715, 1270\text{cm}^{-1}$ да карбонил, мураккаб эфир гуруҳларнинг, 1132cm^{-1} да икки ўриндошли ароматик ҳалқа, $1578, 1506, 715\text{cm}^{-1}$ да ароматик ҳалқа, $1129, 1075\text{cm}^{-1}$ да ацетат гуруҳларининг, 1020cm^{-1} да бирламчи гидроксил гуруҳларнинг ютилиш спектр чизиқлари мавжуд. $2967, 1471, 1455, 1373, 1344, 974, 873\text{cm}^{-1}$ ўтказиш спектр чизиқларининг борлиги алкоголиз маҳсулотининг аморф-кристалл тизимга эга эканлигидан далолат беради.

Ювиб тозаланган алкоголиз маҳсулотларининг ИҚ спектрларида гидроксил, метилен гуруҳларининг ўтказиш чизиқлари тезкор (интенсив)лигининг камайиши, $1715, 1270\text{cm}^{-1}$ даги мураккаб эфир гуруҳларнинг ўтказиш спектр чизиқларининг торайиши ва кичрайиши кузатилади. Ювилган ва ювилмаган алкоголиз маҳсулотлари ИҚ-спектрларидаги бу ўзгаришлар ювилиш жараёнида алкоголиз маҳсулотлари таркибидаги эрувчан куйи молекуляр массали олигомерлар, ЭГ ва ДЭГларни

чиқариб юборилишидан далолат беради.

Ювилган алкоголиз маҳсулотларининг ИҚ спектрларида –С-О-С- гуруҳларига хос ўзказиш спектр чизиғининг бўлиши, деструкцияловчи агент ДЭГ ни яқуний маҳсулот таркибига киришидан далолат беради.

ИПЭТ:ДЭГ нисбати 1:1,8; 1:4 моль эл.занжир/молларда олинган алкоголиз маҳсулотларини ИҚ-спектрларида ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар кузатилади.

Ювилмаган алкоголиз маҳсулотларининг ПМР-спектрида 3,38 м.д. да гликолни (ЭГдаги) $\text{СН}_2\text{-О-}$ гуруҳининг протонларининг, 3,5 м.д. ва 4,5 м.д. да ДЭГдаги $\text{-СН}_2\text{-О-}$ гуруҳининг протонлари, 4,3 м.д. да макрозанжир бўлакларига ЭГ, 4,8 м.д. да гидроксил гуруҳининг протонлари, 7,8 м.д. диэтиленгликол қолдиқли занжирдаги ароматик ҳалқа – мураккаб эфир гуруҳчали қолдиқ – диэтиленгликол қолдиғи, 7,9 м.д. да этиленгликол қолдиқли занжирдаги ароматик ҳалқа – мураккаб эфир гуруҳчали қолдиқ – диэтиленгликол қолдиғи, 8,05 м.д. этиленгликол қолдиқли – мураккаб эфир гуруҳчали қолдиқ – этиленгликол қолдиқларининг протонлари мавжудлиги аниқланди. Ювилгандан сўнг ПМР-спектрларда 3,3 м.д. ва 3,45 м.д. да ЭГ га тегишли $\text{-СН}_2\text{-О-}$ протон сигналларини йўқолиши, 3,45 м.д. даги гликолларга (ЭГ ва ДЭГ) таълуқли протонларнинг жадаллашуви камайиб, уларни кучсиз сигналлар (3,5 м.д. га) томонига силжиши, 4,3 м.д. ва 4,5 м.д. да макрозанжирдаги ДЭГ бўлакларига таълуқли протонларлар 4,4 м.д. протон сигналлар кўринишида янада жадал ҳолатда намоён бўлиши кузатилди.

ДЭГни кўп миқдорида БГЭТФ ҳосил бўлишини бу моддани ЭГ ва терефтал кислотасидан қарши синтез йўли билан синтез қилиб тасдиқланди. БГЭТФ ва қарши синтез маҳсулотларининг ИҚ- ва ПМР-спектрларининг бир бирига тўла мос келиши юқорида айтилган мулоҳазаларни тасдиқлайди.

Шундай қилиб, ИПЭТ ни ДЭГ билан алкоголизлаш жараёни ҳар томонлама ўрганилиб, тизимли тадқиқ қилиш натижасида гидроксил гуруҳини сақловчи мураккаб олигоэфирларнинг хилма-хиллиги синтез қилинди.

Жараённинг технологик шароитларини ўзгартириш йўли билан уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ростлаш имкони кўрсатилди. Бу хоссалари олдиндан белгиланган гидроксил гуруҳи сақловчи олигоэфирлар синтез қилиш имконини беради. Бинобарин алкоголиз маҳсулотларининг молекуляр массасини, таркибини ўзгартириш йўли билан у ёки бу полимерларнинг, масалан аввалдан хоссалари белгиланган тўйинмаган полиэфирларни синтез қилиш истиқболларини очиб беради. Ҳақиқатдан ҳам ИПЭТАМ (иккиламчи ПЭТ алкоголиз маҳсулотлари)нинг молекуляр массаси ва таркиби улар асосида олинган тўйинмаган полиэфирларнинг физик-кимёвий хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Алкоголиз маҳсулотлари асосида тўйинмаган полиэфирлар синтез қилишнинг умумий жиҳатларидан бири, бу ИПЭТ алкоголизлаш давомийлигининг ортиши билан ИПЭТ қолдиқларидан иборат занжир бўлагининг узунлигини қисқариши ҳисобига тўйинмаган полиэфирлар таркибида мураккаб эфир гуруҳлари миқдори камайиб, қўшбоғларнинг

концентрациясининг ортишидир.

4-Жадвал

Алкоголиз маҳсулоти олишнинг технологик шароитларини улар асосида олинган тўйинмаган полиэфирларнинг физик-кимёвий ҳоссаларига таъсири

| Кўрсаткичлар ТПФ* | Алкоголиз маҳсулоти олинган нисбат, эл.занжир моль/моль | | | | | | | | |
|----------------------------|---|------|------|----------------|------|------|--------------|------|------|
| | ИПЭТ:ДЭГ=1:0,72 | | | ИПЭТ:ДЭГ=1:1,8 | | | ИПЭТ:ДЭГ=1:4 | | |
| | Давомийлик, соат | | | | | | | | |
| | 3 | 6 | 15 | 3 | 6 | 15 | 3 | 6 | 15 |
| Гидроксил сони, мгКОН/г | 24,0 | 24,0 | 28,8 | 32,0 | 35,0 | 35,6 | 47,7 | 48,2 | 48,5 |
| Кислота сони, мгКОН/г | 23,2 | 22,5 | 21,8 | 35,0 | 32,0 | 32,2 | 43,5 | 42,4 | 42,0 |
| Эфир сони, мгКОН/г | 543 | 510 | 467 | 542 | 509 | 493 | 560 | 540 | 535 |
| Ўртача сон молекуляр масса | 2435 | 2350 | 1390 | 1600 | 1600 | 1580 | 1260 | 1160 | 1150 |
| Бром сони, г/100г | 7,7 | 6,7 | 11,3 | 9,8 | 9,8 | 10,0 | 9,29 | 13,6 | 13,7 |

*Изоҳ: Тўйинмаган полиэфир олиш шароитлари: ҳарорати – 220°C; давомийлиги – 1,5 соат.

Бунда ҳосил бўлган тўйинмаган полиэфирларнинг ўртача сон молекуляр массасининг камайиши макромолекулаларнинг кўшбоғ билан тўйинишидан далолат беради. Бу ДЭГнинг моллар миқдорини ортиши билан алкоголизланган ИПЭТАМ макромолекула парчалари ўлчамларининг кичрайиши билан боғлиқдир (M_n 394 дан 245 гача камаяди).

Тўйинмаган полиэфирларнинг физик-кимёвий ҳоссаларининг шундай ўзгаришини ИПЭТни алкоголизлаш вақтини 15 соатгача узайтирилганида кузатиш мумкин.

5-Жадвал

ИПЭТ алкоголиз маҳсулотларининг физик-кимёвий ҳоссалари

| Алкоголиз маҳсулотининг номи | Гидроксил сони, мгКОН/г | Кислота сони, мгКОН/г | Эфир сони, мгКОН/г | Суюқла-ниш ҳарорати, °C | Ўртача сон молекуляр масса (криоскопия бўйича) |
|------------------------------|-------------------------|-----------------------|--------------------|-------------------------|--|
| Маҳсулот-107 | 283,5 | 3,8 | 365 | 108 | 380-420 |
| Маҳсулот-118 | 478,5 | 4,6 | 262 | 81 | 300-320 |
| Маҳсулот-140 | 686,4 | 6,7 | 173 | Қовушқоқ суюқлик | 230-250 |

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўйинмаган полиэфир олиш учун ҳарорат 220°, давомийлик 6 соат, ИПЭТ:ДЭГ=1:0,72, 1:1,8, 1:4,0

эл.занжир моль/моль шароитларида олинган ИПЭТАМларни асос қилиб олинди. Бу олигомерларга шартли равишда Маҳсулот-107, Маҳсулот-118 ва Маҳсулот-140 деб ном берилди. Уларнинг асосий физик-кимёвий кўрсаткичлари 5 жадвалда келтирилган.

Кўйилган якуний мақсад ва ўтказилган адабий манбалар шархидан келиб чиқиб кейинги тадқиқотлар алкоғолиз маҳсулотларидан тўйинмаган полиэфирлар синтез қилиш шароитларини оптималлаштиришга қаратилди.

Маҳсулот-107ни малеин ангидриди (МА) билан таъсирланиш давомийлигини 2 соатгача ўзгартирилганда якуний маҳсулотнинг гидроксил сони 225 дан 12,5 мгКОН/г, кислота сони 225 дан 11,2 мгКОН/г гача камайиши, эфир сонини 293 дан 523 мгКОН/г, ўртача сон молекуляр массани 250 дан 4700 гача ортиши кузатилди. Бунда реакциянинг қуйи молекулали маҳсулоти сувнинг миқдори 8,6 млн.ни ташкил қилди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, жараённинг ўрталарига келиб карбоксил гуруҳларнинг сарфи гидроксил гуруҳларниқидан тезроқ содир бўлиши кузатилди. Бу тизимда турли реакцион фаолликка эга бўлган гидроксил гуруҳлар мавжудлигига ишора қилади.

Поликонденсациялашнинг блок механизмида малеин ангидрид реакцион фаоллиги юқориқроқ бўлган қуйи молекуляр массали диоллар (ЭГ ва ДЭГ) билан нордон эфирлар ҳосил қилади ва улар жараённинг қуйироқ босқичида фаоллиги камроқ бўлган полиэфирполиоллар билан таъсирлашишади. Бу механизмда охир оқибатда функционал гуруҳларнинг эквивалент сарфи кузатилади.

Маҳсулот-118 ва маҳсулот-140лар билан малеин ангидридининг поликонденсацияланиш ҳолида ҳам тўйинмаган полиэфирларнинг ҳоссаларини ўзгариши шу тарзда кузатилади.

Маҳсулот-107, Маҳсулот-118, Маҳсулот-140 қаторида улар асосидаги тўйинмаган полиэфирларда занжир учларидаги функционал гуруҳлар, мураккаб эфир гуруҳларининг концентрацияси ортади, ўртача сон молекуляр масса камаяди. 2 соат конденсация қилинганда сўнг қуйидаги ҳоссали тўйинмаган полиэфирлар ҳосил бўлди:

Маҳсулот-107 асосида: M_n -4700, гидроксил сони 12,5 мгКОН/г, кислота сони 12,5 мгКОН/г, эфир сони – 523 мгКОН/г;

Маҳсулот-118 асосида: M_n -3300, гидроксил сони 17,0 мгКОН/г, кислота сони 17,5 мгКОН/г, эфир сони – 558 мгКОН/г;


Маҳсулот-140 асосида: M_n -2600, гидроксил сони 21,1 мгКОН/г, кислота сони 21,2 мгКОН/г, эфир сони – 570 мгКОН/г.

Келтирилганларга асосланиб, синтез шароитига қараб кенг ҳоссали полиэфирлар олиш мумкин деган ҳулоса қилиш мумкин. Бу қўйилган вазифаларга қараб, тўйинмаган полиэфирларнинг хилма хиллигини яратиш имконини беради.

Дастлабки моддаларнинг молекуляр нисбати тўйинмаган полиэфирларнинг физик-кимёвий ҳоссаларига сезиларли таъсир кўсатади. Шунини айтиб ўтиш керакки, ИПЭТАМ:малеин ангидрид (МА) стехиометрик нисбатида олинганда тўйинмаган полиэфирларнинг молекуляр массаси, эфир

сони каби кўрсаткичлари максимумдан, ажралиб чиққан сув миқдори минимумдан ўтади. Бунда бу кўрсаткичларнинг қийматлари Маҳсулот-107 дан Маҳсулот-140 асосидаги тўйинмаган полиэфирларга ўтганда ўзгаради.

Олиб борилган тадқиқотлар асосида синтез қилинган тўйинмаган полиэфирларнинг тузилишини кўйидагича ифодалаш мумкин:



Тўйинмаган полиэфирларнинг тузилиши кимёвий таҳлил усуллари билан ташқари ИҚ- ва ПМР-спектроскопия усуллари билан ҳам аниқланди.

ИПЭТ асосида тўйинмаган полиэфирлар яратиш тадқиқотлари натижаси бўйича шуни айтиб ўтиш мумкинки, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич – бу ИПЭТАМнинг молекуляр массаси ва унинг таркибидаги эркин ЭГ ва ДЭГ дир. ИПЭТАМ молекуляр массасининг камайиши билан тўйинмаган полиэфир таркиби кўш боғлар билан бойиши кўрсатилди.


Кейинги тадқиқотлар тўйинмаган полиэфирларнинг тўрсимон полимерларга ўтиш шароитларини ўрганишга йўналтирилди. Бунда сомономер қотирувчи сифатида тўйинмаган полиэфирлар учун анъанавий қотирувчи бўлган стиролдан фойдаландик. Қотирувчи тизим сифатида метилэтилкетон пероксид ва кобальт нафтенати ишлатилди. Қотириш жараёни гель ҳосил бўлиш вақти, гель-фракция чиқиши, термомеханик таҳлил усуллари билан, ҳамда қотирилган намуналарнинг физик-механик хоссаларини аниқлаш йўли билан назорат қилинди. Дастлабки тадқиқотлар тўйинмаган полиэфирларнинг 60-%ли эритмасида олиб борилди.

Кобальт нафтенатининг стиролдаги 1%ли эритмасининг миқдори 0,2 дан 1,0% гача ортиши (расм 2) Маҳсулот-107 асосидаги тўйинмаган полиэфирнинг гель ҳосил бўлиш вақтини 16,0 дан 4,0 мин.га, Маҳсулот-118 асосидаги тўйинмаган полиэфирнинг гель ҳосил бўлиш вақтини 10,0 дан 3,0 мин.га, Маҳсулот-140 асосидаги тўйинмаган полиэфирнинг гель ҳосил бўлиш вақтини 8,5 дан 3,0 мин.га қисқартирди.

Маҳсулот-107, Маҳсулот-118, Маҳсулот-140лардан олинган тўйинмаган полиэфирлар қаторида гель ҳосил бўлиш вақти камаяди, яъни тўрсимон полимер ҳосил бўлиш жараёни тезлашади. Бу ўз навбатида Маҳсулот-107 асосида олинган тўйинмаган полиэфирдан, Маҳсулот-118 ва Маҳсулот-140лар асосидаги тўйинмаган полиэфирлар таркибидаги кўш боғлар концентрациясининг ортиши билан боғлиқдир.

Шуни айтиш керакки, икки сутка давомида қотирилган тўйинмаган полиэфирларда гель-фракция чиқиши 84% (Маҳсулот-107 асосидаги қатрон) ва 91,5% (Маҳсулот-140 асосидаги қатрон) га тенг. Қотириш давомийлиги 30 суткага оширилганда гель-фракциянинг чиқиши Маҳсулот-107, Маҳсулот-118, Маҳсулот-140 асосидаги тўйинмаган полиэфирлар учун мос равишда 90,0, 93,0, 96,0 % га ўсди. Келтирилган маълумотлар ИПЭТ ни алкоголизлаш

жараёнини бошқариш ҳисобига тўйинмаган полиэфирларнинг қотиш жараёнини ростлаш имкониятлари туғилишидан далолат беради.



Расм. 2 Тўйинмаган полиэфирлар гел ҳосил бўлиш вақтининг кобальт нафтенати эритмасининг концентрациясига боғлиқлик графиги (ГОСТ 22181-91 асосида). Тўйинмаган полиэфирлар синтез қилинган: 1-маҳсулот 107; 2-маҳсулот 118; 3-маҳсулот 140 асосида. МЭКП миқдори – 1,5%; ТПЭ синтез қилиш шароити: ҳарорат – 220°C, давомийлиги – 1,5 соат.

Хона ҳароратида қотирилган тўйинмаган полиэфирларнинг чокланиш зичлигини термомеханик усулида ўрганилди. Маҳсулот-107 асосида олинган тўйинмаган полиэфирлардан икки сутка давомида қотириб олинган намуналар 40-70°C да юмшай бошлайдилар ва юқори эластикликни намоён қиладилар. Тезлатгич кобальт нафтенатнинг концентрациясига қараб 80-180°C ҳарорат оралиғида тўйинмаган полиэфирларнинг чокланиш даражаси ортади. Бу намуналарнинг нисбий деформацияланишини камайишига сабаб бўлади. Ҳарорат 200°Cдан бошлаб намуналарда деформацияланиш йўқолади. Қотириш учун олинган кобальт нафтенатнинг концентрацияси ортиши билан тўйинмаган полиэфирнинг чокланиш ҳолатига ўтиш ҳарорати пасаяди, юқори эластик плато йўқолади. Қотиш давомийлиги 8 суткага узайтирилганда чокланиш даражаси ортади, физик ҳолатлардаги деформация қийматлари камаяди. Аниқланган қонуниятлар Маҳсулот-118, Маҳсулот-140 асосидаги полиэфирлар учун ҳам характерлидир.

